

Лицензия АФ № 00716 13.08.2009 йил Молия вазирлиги  
Ўзбекистон Республикаси, Фаргона вилояти Кукон шаҳар, Уста Бозор кучаси 49-уй. ОАТБ «Кишлоқ қурилиш банк»  
х/р 20208000104787194001 МФО: 00630, ИНН 207 001 898. Тел: +99891 150 06 40 e-mail: audit-app@mail.ru

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

28 апрел 2018 йил

«SURXONDARYO AGROKIMYONIMOYA»  
худудий акциядорлик жамияти раҳбариятига

Манзил. «SURXONDARYO AGROKIMYONIMOYA» худудий акциядорлик жамияти.  
Термиз ш. Ойтмор кўчаси 4 уй. Микрокредит банк Термез шаҳар. Х/р 20210  
000 400 427 037 001 . МФО 00326 . ИНН 200 475 392. ОКЭД 46750

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK»  
аудиторлик ташкилоти (Кўкон шаҳри Уста Бозор- 49 уй. ОАТБ «Кишлоқ Қурилиш Банк».  
х/р 20208000104787194001, МФО 00630, ИНН 207001898, Окэд 69.20.2 тел +91 150 06 40,  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида  
барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан  
13.08.2009 йилда берилган АФ № 00716-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги  
томонидан 16.06.2009 йилда № 391 –реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) директори  
аудитор Суяркулов Н.Г томонидан (Аудитор малака сертификати № 04398 22.08.2017  
йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект  
«SURXONDARYO AGROKIMYONIMOYA» худудий акциядорлик жамияти томонидан  
тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг «Бухгалтерия баланси» Ф-1, «Молиявий натижалар»  
Ф-2, «Хусусий капитал», «Пул оқимлари тўғрисида» ги ҳисобот шаклларида иборат 2017  
йил 01 январидан- 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг  
ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун  
ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички  
назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига  
асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «SURXONDARYO AGROKIMYONIMOYA» худудий акциядорлик жамияти  
томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик.  
Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча  
муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига  
мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига  
мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга  
эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик  
текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик  
амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг  
мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.



Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **“SURXONDARYO AGROKIMYOHI MOYA”** худудий акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
**«AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK»**  
аудиторлик ташкилати директори,



**Н.Г Суяркулов**

*Аудитор малака сертификати № 04398 22.08.2017  
йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*